O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

«Ўз тарихи ва миллий қадриятларини эъзозлаган халқнинг келажаги, албатта, порлоқ бўлади.»

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 24-iyul • Seshanba • 87 (27.732) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчилик салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради.

Ислом КАРИМОВ

ЭЗГУЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК САОДАТИ

ёки Истиқлолнинг ўтган даври мобайнида қадим Бухорода амалга оширилган кенг кўламли яратувчилик ишлари хусусида

Дунё цивилизациясида Бухоронинг ўрни бўлакча. Унинг заминида Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Муҳаммад Наршахий, Имом ал-Бухорий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг пиру устозлари Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, Хожи Маҳмуд Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Самосий, Саййид Мир Кулол каби улуғ зотлар улғайган, камол топган, ўзидан катта маданий мерос қолдирганлар. Шу билан бирга улар юртимиз тупроғини дунёга машҳур этганларки, эндиликда ана шу буюк зотлар билан нафақат халқимиз, балки бутун мусулмон дунёси фахрифтихор қилади.

Ана шундай пиру комиллар, алломаи замонларга бешик бўлган Бухоро Истиқлол йилларида қайта яшарди, унинг кент ва туманларида бунёдкорлик, яратувчилик ишлари авж олди. Эзгу ишлар кўлами кенгайди. Бунинг замирида мамлакатимиз Президентининг юксак ғамхўрлиги ва эътибори мужассамлигини ҳар бир бухоролик бугун юракдан ҳис этиб турибди.





2-бет

ЯНА БИР ЯНГИ КОРХОНА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ /ЎзА мухбири Л.СУВОНОВ/.

Занги ота туманидаги «Қатортол» қишлоғида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси иш бошлади.

«Улуғбек бахт юлдузи» агросаноат фирмасига қарашли мазкур корхонада қуритилган маҳсулотлар хориж технологиялари асосида қадоқланиб, сотувга чиқарилмоқда. Келгусида бу маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш ҳам кўзда тутилган. Энг асосийси, корхона иш бошлаши билан ўндан ортиқ йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.

Агрофирма қошида томат, турли мева ва сабзавотлардан шарбатлар олиш цехи ҳамда мева ва сабзавотлар учун пластмасса идишлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бу ният амалга ошса, яна икки юздан ортиқ иш ўрни яратилади.

Айни пайтда туманда тўртта ана шундай агрофирма фаолият кўрсатмоқда. Улар фермерлар етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб бераётир.

ФЕСТИВАЛЬ ЯКУНЛАНДИ

Навоий шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» кўшиқ фестивалининг вилоят босқичи якунланди. Унда шаҳар ва туманларда ғолибликни қўлга киритган санъаткорлар Ватан, мустақиллик, тинчлик ва эзгулик куйланган кўшиқлари билан ўз истеъдодини намойиш этди.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси мутасаддилари таъкидлаганидек, бу фестивали ўтказишдан мақсад мамлакатимизда истиқлол йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқ ва натижаларни тараннум этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада чуқурроқ сингиришдан иборат.

Якуний натижаларга кўра, биринчи ўринни қўлга киритган Навоий шаҳридаги мусиқа мактаби ўқувчиси Рушана Раҳмонова танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.

ЎзХДП вилоят кенгашларида

БУ ЙИЛГИ БАЙРАМНИНГ

ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ ЖУДА УЛКАН

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигини ҳамда жонажон шаҳримизнинг 2750 йиллигини кенг нишонлаймиз

Бу сўзлар Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашида бўлиб ўтган «Мустақиллик — ислоҳотлар — демократия», — деб номланган давра суҳбатида такрор-такрор айтилди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, профессор Шарбат Абдуллаева Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳияти ҳақида алоҳида тўхталди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатдан келиб чиқадиган партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида фикр юритди. Аҳоли орасида, маҳаллалар, партиямиз электорати вакиллари кўпчиликни ташкил этадиган жамоаларда кенг тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бориш, бу муқаддас байрамнинг тарихий аҳамияти, ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида фикрлашиш, одамларни қизиқтирган ҳар бир савол, масалага батафсил жавоб қайтариш лозимлигини таъкидлади.

Партия Самарқанд вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобеков масаланинг амалий жиҳатлари ҳақида гапирди. Ҳам истиқлол байрами тантаналари, ҳам қадим шаҳарнинг йигирма етти ярим асрлик тўйи шодиёналарига кўрилаётган тайёргарлик, бунда вилоят партия ташкилоти ва фаолларнинг иштироки ҳақида ахборот берди. Шундан сўнг сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси Ҳасан Нормуродов, ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Гулчеҳра Иброҳимова ва бошқалар ҳам бу борада фикр юритдилар.

Давра суҳбати якунида тарихий саналар муносабати билан партия ташкилотлари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотлари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг вазифалари белгилаб олинди.

(Ўз мухбиримиз).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Муҳим стратегик тармоқлар корхоналарининг устав жамғармаларида давлат улушини кескин камайтириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хусусий мулкчиликнинг ролини ошириш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, шу асосда сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

давлат активлари очиқ савдоларда хусусий мулк сифатида тўлиқ сотиладиган корхона ва объектлар рўйхати, 1-иловага мувофиқ;

Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан давлат акциялари пакетлари, жумладан назорат пакетлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятларини олиш шарти билан очиқ савдоларда сотилиши лозим бўлган иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари акциядорлик жамиятларининг рўйхати, 2-иловага мувофиқ;

барча зарур муҳандислик коммуникацияларига эга, жойлаштирилмаган давлат активлари аниқ инвестиция лойиҳалари ва янги инвесторлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаш мажбуриятларини олиш шарти билан бепул берилиши лозим бўлган фаолият кўрсатмаётган, самарасиз, шу жумладан қурилиши тугалланмаган корхона ва объектлар рўйхати, 3-иловага мувофиқ.

Давлат тендер комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси иштирокида 1-иловага киритилган корхона ва объектларни хусусийлаштириш натижаларига кўра, инвесторлар томонидан аниқ инвестиция мажбуриятларини олиш шарти билан уларни бепул сотиш тўғрисида қарор қабул қилишга рухсат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда 1-3-иловаларга киритилган корхоналар, объектлар ва бошқа давлат активларини баҳолаш, савдога қўйиш ва сотиш жадвалларини тасдиқласин ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 1-2-иловаларга киритилган корхоналарнинг аввал хўжалик бошқаруви органлари (акциядорлик ва холдинг компаниялари) устав жамғармаларига берилган акциялари давлат пакетларини сотишдан тушган маблағларни тақсимлаш бўйича ўрнатилган тартибда тегишли қарор қабул қилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3897-сонли Фармонига мувофиқ берилган «олтин акция»ни жорий этиш бўйича ҳуқуқни пахтани қайта ишлаш ва ёғ-мой саноатининг хусусийлаштириладиган корхоналарига, «Тошкент трактор заводи» ОАЖга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ушбу қарорнинг 2-иловасига киритилган корхоналарни хусусийлаштиришда акциядорлик жамиятларини («олтин акция») бошқаришда давлатнинг иштирок этишига оид махсус ҳуқуқни қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифларни ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Белгиланснки:

бепул берилган давлат мулки объектлари бўйича мулк ҳуқуқи тўғрисидаги давлат ордери инвесторлар ўз зиммасига олган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ва (ёки) хизматлар кўрсатишни бошлашни кўзда тутувчи инвестиция мажбуриятларини бажарганидан сўнг берилади;

инвесторларнинг корхона ва объектларни хусусийлаштиришда ўз зиммасига олган инвестиция мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаган тақдирда, тузилган олди-сотди шартномалари ўрнатилган тартибда бекор қилинади ва кейинчалик улар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардош, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятларини олиш шарти билан янги хусусий мулкдорларга сотилади.

4. Давлат активларини инвестиция киритиш мажбуриятлари билан сотишда инвесторлар томонидан эркин алмаштириладиган валютада пул маблағлари шаклида киритиладиган инвестициялари корхоналарнинг алоҳида ҳисобрақамига ўтказилишини ва мажбурий тарзда сотилмаслигини кўзда тутувчи тартиб жорий этилсин.

Бунда инвестиция мажбуриятлари сифатида киритиладиган маблағ ва мулк даромад (фойда), ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда қўшилган қиймат солиқларига тортилмайди, шунингдек, инвестиция даври мобайнида тузиладиган олди-сотди шартномасига мувофиқ корхонанинг олдинги қарзини қоплаш ҳисоб-рақамига мажбурий тарзда ундириб олинмайди.

5. Давлат тендер комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига аввал қабул қилинган хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ сотилган ва инвесторлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмагани туфайли олди-сотди шартномаси бекор қилинган давлат активларини савдога такроран қўйишга рухсат этилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси (Р.Азимов) мазкур қарорнинг 1- ва 2- иловаларига киритилган корхоналарни хусусийлаштириш якунлари бўйича аниқ инвестиция мажбуриятлари юкланган ҳолда (уларнинг давлат акциялари пакети олди-сотди шартномасига мувофиқ ижро этилиши даврида) потенциал инвесторларга сотилаётган корхоналарнинг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларини реструктуризация қилишни кўриб чиқсин ва улар юзасидан қарорлар қабул қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги «2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида»ги ПҚ-407-сонли қарорининг 1, 2- ва 3-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 20 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 24 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

1 Австралия доллари	1110,28	1 Польша злотийси	466,41
1 Англия фунт стерлинги	2592,05	1 СДР	1941,84
1 Дания кронаси	235,04	1 Туркия лираси	999,06
1 БАА дирхами	345,00	1 Швейцария франки	1054,87
1 АҚШ доллари	1267,01	1 ЕВРО	1748,35
1 Миср фунти	223,31	10 Жанубий Корея вони	13,82
1 Исландия кронаси	21,24	10 Япония иенаси	103,95
1 Канада доллари	1213,61	1 Россия рубли	49,77
1 Хитой юани	167,51	1 Украина гривнаси	250,89
1 Малайзия рингити	368,23		

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига

ШАРҲ

Мамлакатимизда 1992 йилдан буён корхоналар ва объектларни хусусийлаштириш изчил ва босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Бу ўз навбатида давлат мулкчилиги монополиясини тугатиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодий муносабатларнинг белгиловчи шакли сифатида қарор топишини таъминлади, ҳақиқий мулкдорлар синфи шаклланиши учун шарт-шароит яратди.

Ҳозирги вақтга келиб, нодавлат секторнинг улуши саноатда 80 фоиздан кўпроқни, қурилишда – 88,4 фоиз, алоқа соҳасида - 96,6 фоиз, қишлоқ хўжалигида – 99,9 фоиз, савдо соҳасида эса қарийб 100 фоизни ташкил этмоқда.

Хусусий мулкчиликни шакллантириш, иқтисодиёт таркибида унинг роли ва улушини ошириш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишидир. Мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши натижасида унинг деярли барча соҳаларида хусусий сектор етакчи мавкега эга бўлиб қолди ва ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 75 фоиздан кўпроғи унинг ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида қилган маърузасида таъкидлаганидек, «... биз хусусийлаштиришга нисбатан муносабатимиз ва ёндошувларимизни тубдан ўзгартиришимиз иқтисодиётнинг кимё, электротехника саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, қурилиш материаллари саноати каби ва бошқа етакчи тармоқлар корхоналарининг акцияларини аукцион (кимошди) савдоларига қўйиш борасида олға томон қатъий қадамлар ташлашимиз зарур...». Республикамизнинг фонд бозори ва қимматли қоғозлар бозоридаги ишларнинг аҳволи бўйича қатор танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусийлаштирилган корхоналардаги корпоратив бошқарув тизимида жиддий нуқсон ва камчиликлар мавжуд.

Хусусийлаштириш соҳасидаги мазкур муаммоларни тубдан ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарори қабул қилинди ва унда уч ярим йилга мўлжалланган янги Хусусийлаштириш дастури тасдиқланди.

Тасдиқланган Дастурга мувофиқ 2010 йилгача бўлган даврда қуйидагилар назарда тутилади:

ноишлаб чиқариш соҳасидаги 994 та корхона ва объектларни очиқ савдоларда хусусий мулк сифатида тўлиқ сотиш;

иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидаги (кимё, электротехника, қурилиш индустрияси, ёқилғи-энергетика ва бошқа) 363 та корхона ва объектлар бўйича давлат акциялари пакетларини, жумладан назорат пакетларини тендер савдоларида инвесторларга ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятлари олиш шарти билан сотиш;

фаолият кўрсатмаётган, самарасиз ва қурилиши тугалланмаган объектларнинг талайгина қисмини ушбу объектларни тўлиқ молиялаш ҳамда корхона ва объектлар фаолиятини қайта тиклаш ва кенгайтириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан ўз зиммасига мажбуриятлар олишга тайёр бўлган инвесторларга бепул бериш.

Кимё, электротехника, автомобилсозлик ва самолётсозлик тармоқлари корхоналарини, шунингдек қишлоқ хўжалик машинасозлиги, шойи саноати, тўқимачилик ҳамда алоқа тармоқлари корхоналарини хусусийлаштиришга нисбатан ёндошувларни янада либераллаштириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, мазкур тармоқларда давлат фақат айрим корхоналардагина ўз улушини сақлаб қолиб, бошқа корхоналарда давлат улушлари тўла-тўкис сотилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур қарорининг энг муҳим, принципиал қоидалари қуйидаги масалаларни ҳал этишдан иборатдир:

а) Давлат тендер комиссиясига бир қанча очиқ савдолар ўтказилгандан кейин харидор топилмаган корхона ва объектларни аниқ инвестиция мажбуриятларини олиш шарти билан инвесторларга бепул бериш тўғрисида қарор қабул қилишга рухсат этилди;

б) инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритиладиган маблағ ва мулк даромад (фойда), ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда қўшилган қиймат солиқларига тортилмайди, хорижий валютадаги қўйилмалар эса мажбурий тарзда сотилмайди;

в) шундай тартиб жорий этилмоқдаки, унга мувофиқ, олди-сотди шартномасида белгиланган инвестиция даври мобайнида инвесторларнинг қўйилмалари хусусийлаштирилган корхонанинг олдинги қарзини қоплаш ҳисоб-рақамига мажбурий тарзда ундириб олинмайди, давлат улуши потенциал инвесторларга сотилаётган корхонанинг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларини реструктуризация қилиниши мумкин. Айни пайтда, инвесторларнинг корхоналарни хусусийлаштириш вақтида қабул қилган мажбуриятларни бажариши учун жавобгарлигини оширишга қаратилган нормалар назарда тутилади;

г) Вазирлар Маҳкамасига инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда (уларнинг олди-сотди шартномасига мувофиқ ижро этилиши даврида) давлат акциялари пакети потенциал инвесторларга сотилаётган корхоналарнинг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларини реструктуризация қилишни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш топширилди;

д) тасдиқланган Хусусийлаштириш дастури доирасида пахтани қайта ишлаш ва ёғ-мой саноатининг хусусийлаштириладиган корхоналарига нисбатан «олтин акция»ни жорий этиш кўзда тутилган. Шу билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига иқтисодиётнинг етакчи, стратегик тармоқларининг бошқа корхоналарини хусусийлаштиришда ҳам «олтин акция»ни қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифларни ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилинган қарори хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш борасидаги ғоят муҳим қадам бўлибгина қолмай, балки мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий сектор улушини тубдан оширишга қаратилган иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш, Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан юксалиши ва халқаро жаҳон хўжалик муносабатларига интеграциялашувининг ғоят муҳим омили сифатида корхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш йўлидаги стратегик йўналишни ҳам белгилаб беради.

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчилик ривожи ҳамда уларнинг ҳуқуқий асослари кафолатланиши — янги иш ўринларини яратиб, барқарор даромад манбаларини вужудга келтиришда муҳим буғин бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бундан ўн бир йил муқаддам ўзининг **«Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир»** номли китобига кирган (Тошкент, 1996 йил) **«Келажакка қатъий ишонч билан»** номли маърузасида аҳоли учун (хусусан, қишлоқда!) янги иш жойларини ташкил этиш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш — ислоҳотлар иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаларидан бири деб қаралмоғи кераклигини уқтириш билан бирга, халқимизнинг туб манфаатлари ҳимояси — одамларнинг меҳнат фаоллигини оширишга, уларда тадбиркорлик руҳининг ривожланишига ёрдам беришини алоҳида таъкидлаб ўтганди. Жумладан деган эди: **«Халқимизнинг ўзи туғилган, киндик қони тўкилган жойга ниҳоятда меҳрли бўлиб, боғланиб қолганини, яъни «дайди» бўлиб кўчиб юриш одати йўқлигини назарда тутадиган бўлсак, қишлоқда одамларни иш билан таъминловчи кичик ва хусусий корхоналарнинг тез ривожланиши қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни тезлаштириш имконини беради».**

Бу сўзларнинг мағзини тушуниб етиш учун, энг аввало, ислоҳотларимизнинг биринчи босқичи жараёнлари, саъй-ҳаракатлари ва уларнинг натижаларини эсга олайлик.

Жаҳон тажрибасидан маълум, бозорга ўтиш шароитида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси, ишсизликнинг ўсиши кучаяди. Шу боисдан, ишсизлик муаммоси **макроиқтисодий тартибга солиш чоралари** тизимида ва иқтисодий тараққий этган **бозор структураси** шаклланган мамлакатларнинг бутун иқтисодий сиёсатида энг асосий муаммолардан бири бўлиб келган. Негаки, иқтисодий ишлаб чиқариши суст кечган ва унинг тизимларини ўзгартиришнинг дастлабки босқичларига хос — кенг ҳамда оммавий хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилган давлатларда малакасиз кишиларгина эмас, ҳатто ноёб ихтисосликларга эга ходимлар ҳам вақтинча ишсизлар тоифасига ўтиб қолиши хавфи таҳдид солиши, табиий.

Бундай шароитда раҳбарияти оқил давлатлар мукаммал меҳнат бозорини шакллантириш, ишга жойлашишга муҳтож фуқаролар ва мавжуд бўш иш жойларини тўла ҳисобга этиш тизимига жиддий эътибор қаратди. Иқтисодий ислоҳотларнинг **биринчи босқичида** ишсизлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик — энг асосий вазифалардан бири қилиб қўйилди. Республикамизда дастлаб 240 дан ортиқ меҳнат биржаларини ўз ичига олган катта тармоқ тузилди. Ишсизларни рўйхатга олиш ва уларнинг касбини мослашган ихтисосликларга ўзгартириш механизми яратилди.

БАНДЛИК

ИЖРОСИ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-

(Биринчи мақола)

олиш йўлини тутади. Ўзбекистонда ҳам шундай бўлди.

...Агар эсласангиз, Мустақиллик йиллари бошларида қишлоқларда аҳолининг йиллик ўсиши ўртача 2,5 фоиздан кўпроқни ташкил этиб, кичик шаҳарлар ва шаҳарсимон посёлкалардаги иқтисодиётнинг ишчи кучи ортиқча бўлган айрим тармоқларида яширин ишсизлик (корхоналарда мажбурий таътиллар) вужудга келганди.

Президентимиз ва ҳукуматимиз демографияда пайдо бўлган бундай вазиятда ишсизларни дарҳол иш билан таъминлаш, зудлик билан **Бандлик дастурини** ишлаб чиқиш ва кадрлар тайёрлаш хизматларини ташкил Ишсизлик бўйича нафақа тўлаш тартиби йўлга қўйилди. Натижада, расман рўйхатга олинган ишсизлар меҳнат ресурсларининг кутилганидан ҳам анча камроғини ташкил этди. Бу — республикамиз шароитида ислоҳотлар биринчи босқичининг ижобий натижаси эди.

Ислоҳотларнинг **иккинчи босқичида** Бандлик дастурига кўра қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини авж олдириш, уларга ортиқча ишчи кучларини жалб этиш мақсадида кичик корхоналар ва цехлар барпо қилиш ҳаракати бошланди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЭЗГУЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК САОДАТИ

ЁКИ ИСТИҚЛОЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИ МОБАЙНИДА ҚАДИМ БУХОРОДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ЯРАТУВЧИЛИК ИШЛАРИ ХУСУСИДА

ШАРИФ ШАҲАРНИНГ БУГУНГИ ЖОЗИБАСИ

Юртбошимизнинг Бухорога ҳар галги ташрифи қадим шаҳарни обод этиш бўйича янги эзгу ишларга туртки бўлади. Бухоронинг 2500 йиллик тўйини нишонлаш тадоригида бажарилган жуда катта бунёдкорлик ишлари фикримизнинг яққол далилидир. Масжити Калонни қайта таъмирлаш ишлари шахсан Юртбошимиз назоратида бўлди. Бу ерда бирйўла ўн минг киши намоз ўқиши учун барча шароитлар яратилди. Шариф шаҳарнинг тарихий дурдоналари саналган Арки Олий, Ҳавузи Боло масжиди, Лаби Ҳовуз ансамбли, Чор Бакр зиёратгоҳи, Ситораи Моҳи Хосса каби ўнлаб қадамжоларга қайта ҳаёт бағишланди, атрофи ободонлаштирилди.

Биргина бу эмас. Очиқ осмон остидаги музей саналган Эски шаҳарни асл ҳолича сақлаш ташаббускори ҳам Президентимиздир. Юртбошимизнинг шу йил 19 июндаги ташрифи бу борадаги вазифаларни янада ойдинлаштирди, шаҳарсозликдаги галдаги юмушлар нимадан иборат эканлиги белгилаб олинди. Тарихий ва маданий обидалар атрофида ноўрин қурилишлар қилмаслик, уларни зах сувлардан асраш чораларини кўриш вазифаси мутасаддиларга топширилди. Шу билан бирга шаҳарни гармселдан сақлаш учун атрофида «яшил қалқон» барпо этиш чоралари кўриляпти. Биргина қадим шаҳар эмас, балки вилоятдаги барча қадамжолар бундан мустасно эмас.

— Муқаддас обидалар миллатимизнинг бебаҳо мулки, аждодларимиздан қолган қимматли меросдир. Уни ўз ҳолига келгуси авлодга етказиш мақсадида қатор ишларни амалга оширяпмиз, — дейди тарихий ва маданий ёдгорликларни асраш, таъмирлаш давлат инспекцияси бошлиғи Туйғун Бобоев. — Биргина Саййид Мир кулол мангу кўним топган зиёратгоҳнинг қайта ободонлаштирилаётгани, Бухоронинг бизгача етиб келган қадимий қалъа деворлари таъмирланаётгани бунга мисолдир.

Яна бир гап. Бугун Бухоронинг жозибаси, файзи ўзгача. Эндиликда тор кўчалар, панапастқам бинолар, қинғир-қийшиқ йўлларга кўзингиз тушмайди. Мустақиллик шарофатидан шаҳар кўчалари кенгайди, гулу гулзорлар кўпайди, янги хиёбонлар, замонавий меъморчилик услубида қурилган билим масканлари, савдо расталари барпо этилди.

— Ҳар тонг ўқишга отланганимда шаҳримизда қад ростлаётган бир-биридан гўзал иморатлар, кўнгилочар масканлар олдида узоқ туриб қоламан, — дейди Бухоро юридик ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби Зебинисо Муродова. — Шунда қалбимда фахр-ифтихор сезаман.

Ҳозир шаҳарда ўнлаб коллеж, академик лицейлар фаолият кўрсатади, янгилари тезкорлик билан қурилмоқда. Ўнга яқин спорт мажмуалари ҳамиша гавжум. «Универсиада — 2002» муносабати билан шаҳар марказида қад ростлаган, ўзида 24 минг томошабинни сиғдира оладиган «Бухоро» спорт мажмуи ўзига хос меъморий ечимга эга. Бу ерда спортнинг бирйўла 13 тури билан шуғулланиш мумкин. Мустақиллик байрамигача қуриб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган Олимпия захиралари коллежини кўрган кўз қувнайди. Маҳалла гузарларидаги ободончилик, Самонийлар дам олиш масканидаги хиёбону гулзорлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Хуллас, Президентимизнинг ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки одамлар учун деган даъватининг ижобатини Бухоро шаҳри мисолида кўриш, қалбдан ҳис этиш қийин эмас.



САҲРОДАГИ МЎЪЖИЗА

Қоровулбозорда, қум барханлари бағрида бунёд этилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга тушганига ўн йил тўляпти. Бир пайтлар михни ҳам четдан харид қиладиган мамлакатимизнинг олис бир туманида Марказий Осиёда ягона бундай иншоот қурилиши кимнинг ҳам хаёлига келибди, дейсиз. Корхона қисқа муддатда — атиги уч йилда қад ростлагани ўзбек халқининг нималарга қодирлигини исботлади.

— Ўшанда, — деб хотирлайди «Бухоронефтзаводқурилиш» трести бошқарувчиси бўлиб ишлаган Анвар Ражабов, — чўл қийинчиликларидан чўчиганлар ҳам бўлди. Ахир, кучли гармсел, қум кўчкилари, жазирамада ишлашга ҳамма ҳам бардош беролмасди-да. Қурилишга барча вилоятлардан қурувчилар жалб этилгани ҳамда хорижлик мутахассислар билан ўзимизнинг муҳандис-техник ходимлар тезгина тил топишгани боис 300 гектар майдонни эгаллаган завод қисқа фурсатда бўй кўрсатди.

1997 йил вилоят тарихида муҳим воқеаларга бой йил бўлди. Шу йили қадим Бухоронинг 2500 йиллик тўйи нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши тантаналари билан уйғунлашиб кетди. Мазкур завод мамлакатимизда нефть мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаган Юртбошимиз саҳро бағрида шинам шаҳарча ҳам вужудга келгани, унинг истиқболи янада порлоқлиги, унда ёшлар вояга етишига катта умид боғлаганди.

— Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди, — дейди туман ҳокими Илҳомжон Муродов. — Бугун Қоровулбозорни чўл деганлар хато қилади. Мустақиллик иншооти ҳисобланган завод маҳсулоти ички бозорни зарур маҳсулот билан таъминлабгина қолмай, экспортга ҳам чиқармоқда. Нефтчилар шаҳарчаси эса кун сайин чирой очиб, кўркамлашиб бораяпти.

Дарҳақиқат, ҳозир замонавий коттежларда корхона ишчилари оилалари билан яшашади. Ҳар йили 50-60 та шундай коттеж-лар, мактаб, боғча, соғломлаштириш марказлари қурилиб фойдаланишга топширияптики, бу мустақиллик берган имкониятдир. Биргина ўтган икки йилда ёзги дам олиш маскани, иқтидорли болалар мактаб-интернати, ҳаммом, ёшлар маркази, 70 та коттеж қурилди. Завод учун мутахассислар тайёрлайдиган касб-ҳунар коллежи, болалар спорти мажмуалари ва бошқа қатор маданий-маиший, савдо иншоотлари одамлар хизматида. Ҳеч ким ҳеч нарсадан камчилик сезмайди.

ЖАҲОН НИГОҲИДАГИ ЗИЁРАТГОҲЛАР

Азиз-авлиёлар юрти саналган Бухорода муқаддас зиёратгоҳу қадамжолар бисёр. Улардан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи алоҳида ажралиб туради. Аҳоли орасида Баҳоуддин балогардон деб аталадиган бу муборак манзилга келган ҳар бир кишининг мушкули албатта осон бўлади, кўнгли таскин топади. Сир эмас, истибдод йилларида бу муқаддас даргоҳ эътиборсиз қолдирилди. Ерли халқ тугул, хорижлик зиёратчилар ҳам бу масканга яқин келолмасди. Алломалар, Бухоро ҳукмдорларининг дафналари оёқости бўлди. Хайриятки, истиқлол боис улуғ пирларимиз иззатини жойига қўйишнинг фурсати етди. 2002 йилнинг 14 октябрида тасаввуф илмининг султони Баҳоуддин Нақшбанд ҳоки пойини зиёрат қилган мамлакатимиз Президенти бу ерда 1993 йилда бажарилган таъмирлаш ишларидан қониқиш ҳосил қилмади. Ёдгорликни янада обод этиш зарурлигини уқтирди.

Шундан сўнг бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Аввало зиёратгоҳ кўркига соя солиб турган эски ҳовли-жойлар бутунлай кўчирилди. Бунинг учун шу ерда истиқомат қилган 23 оилага мўлжалланган Боғи Орифон кўрғони барпо этилди. Бўшаб қолган ҳудудда эса кўркам боғ, сайилгоҳ яратилди. Зиёратгоҳ ҳовлисидаги муаззам ҳовуз асл ҳолига келтирилди.

Орадан 7 ой ўтгач, Президентимиз мазкур зиёратгоҳда амалга оширилаётган ишлар сифати ва кўлами билан яна танишди. Зиёратгоҳга олиб кирувчи «Дарвозаи диловар», шоҳлар хилхонаси, Амир Музаффархон масжиди, Абдулазизхон хонақаси, Пирнинг қайтадан мукаммал таъмирланган даҳмаси, тўрт бурчакли айвонларни кўриб, бу ишларнинг ҳадисини олган Самарқанд, Шаҳрисабз, Хива ҳамда Бухоролик усталарнинг меҳнатини юқори баҳолади. Усталар кўп асрлик анъанани сақлаган ҳолда Бухоро меъморчилик мактаби тажрибасидан ўта моҳирлик билан фойдаланганлар. Хуллас, Юртбошимиз маслаҳати ва кўрсатмаси билан зиёратгоҳ қиёси йўқ, мумтоз обидага айланди.

— Мамлакатимиз раҳбари яқинда зиёратгоҳда бўлганларида яна қатор тавсия ва кўрсатмалар бердилар, — дейди Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг вилоятдаги вакили, Баҳоуддин Нақшбанд жомеъ масжиди имом-хатиби ҳожи Абдулғофур Раззоқов. — Ҳозир ана шу юмушлар бекаму кўст бажарилмоқда. Қувонарлиси шуки, бу ерга мусулмон давлатларидан зиёратга келувчилар сони кун сайин ошмоқда. Нақшбандия таълимоти, меросини ўрганишга бағишланган анжуманлар ташкил қилаяпмиз.

Бухородаги бундай хайрли ишлар шу билан тугагани йўқ. Ҳазрат Абдулҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги муносабати билан ул зоти шариф кўним топган зиёратгоҳ бутунлай чирой очди, атрофи ободонлаштирилди. Пирнинг қабри устида муаззам мақбара тикланди, эски ҳовуз қайта кўз очди. 5 минг намозхонга мўлжалланган янги масжид қурилди, Улуғбек мадрасаси қайта таъмирланди. Худди шунингдек, мусулмон оламида мўътабар ҳисобланмиш Чор Бакр қадамжоси ҳам қисқа муддатда ҳашар йўли билан тўлиқ таъмирланди. Бу эзгу амаллар халқимизнинг муқаддас динимизга, улуғ алломаларга бўлган покиза эътиқоди, чексиз муҳаббатининг ёрқин рамзи, мустақиллик берган имкониятларнинг ҳаётий исботидир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎзХДП ҳаёти

ФИКР ВА ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Урганч шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан «Партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда Жамоатчилиқ қабулхонасининг ўрни» мавзуида минтақавий семинар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилояти ҳамда шу минтақалардаги шаҳар ва туман партия ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ХДП фракцияси ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбарлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Семинарда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган қонуннинг қабул қилиниши партиямизнинг барча жабҳадаги фаолиятида самарадорликка эришишни талаб этаяпти. Шундан келиб чиққан ҳолда, «Ижтимоий ҳимоя йили»да электорат билан ишлашни кучайтириш, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини такомиллаштириш каби долзарб масалалар юзасидан ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Б.Норов, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раиси З.Қўчқоров, Хива шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак маъруза қилдилар.

Анкуманнинг амалий қисмида семинар иштирокчилари ЎзХДП Хоразм вилояти ва Урганч шаҳар кенгашлари ҳузурида фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти билан танишдилар.

Бугун ХДП кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари партия электорати манфаатини ифода этадиган ишончли масканга айланиб бормоқда. Уларга аҳоли вакилларидан турли масалалар юзасидан кўплаб аризалар ва мурожаатлар тушмоқда. Мурожаатларда баён қилинган масалаларнинг кўпчилиги жойида ўз ечимини топмоқда. Масалан, ЎзХДП Хоразм вилояти, шаҳар ва туман кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналарига шу кунгача тушган мурожаатларнинг 75-80 фоизи ХДПдан сайланган депутатлар аралашуви ва маҳаллий ҳокимликлар ёрдамида ўзининг ижобий ечимини топди.

Семинар иштирокчилари бу мурожаатларнинг ҳал этилишида депутатлик гуруҳлари, маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари билан қилинаётган ҳамкорлик, саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини ошириш, Жамоатчилик қабулхоналари кўмагида ҳал этилган масалалар ҳақида аҳолини оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб бориш хусусида фикрлашиб олдилар.

Семинар қатнашчилари ЎзХДП Хонқа туман кенгаши ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти ҳамда халқ депутатлари Хонқа туман Кенгашига ХДПдан сайланган депутатларнинг олиб бораётган ишлари билан ҳам танишдилар. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури асосида белгиланган тадбирлар доирасида Хонқа туманидаги 37-мактабнинг кам таъминланган оила фарзандлари ва иқтидорли ўқувчиларига депутатлик гуруҳи томонидан ўқув дарсликлари ва ўқув қуролларидан иборат совғалар топширилди. Шу ернинг ўзида бир гуруҳ ёшларга фуқаролик паспорти, ЎзХДП сафига янги қабул қилинганларга партияга аъзолик билетлари топширилди.

Семинарда сўзга чиққан ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раисининг ўринбосари А.Ибодуллаев, Хоразм вилояти кенгаши раиси Р.Сабуров, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Хоразм вилояти филиали илмий ходими Ғ.Сапаев ва бошқалар кун тартибидаги масала ва мазкур тадбир тўғрисида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Негаки, ўтган асрнинг 90-йиллари охирлари ва янги асримиз боши — 2000 йил ўрталарида мамлакатимизда катта ўзгаришлар рўй бериб, айниқса, ўтиш даври ларзалари таъсирида кам таъминланган, даромади паст оилалар қийналиб қолганликлари устига маълумоти ҳамда касби-кори йўқ кишилар ҳам «ора йўл»да қолганликлари сир эмас.

Шундай кезда республикамиз

ДАСТУРИ

ҲАРАКАТЛАР, ТАЖРИБАЛАР...

ҳукумати мамлакат аҳолисининг муайян қатламлари, яъни ижтимоий ҳимояга кўпроқ муҳтож кишиларни кўзда тутиб, бозор шароитига бирданига мослаша олмаётган ва турли сабабларга кўра доимий иш ҳамда барқарор даромад манбаига эга бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, хусусан, қишлоқда истиқомат қилувчи фуқаролар турмуш тарзига жиддий эътибор қаратди. Ўтиш даврининг мураккаб шароитларида ҳаёт йўлини танлаётиб, ўз касбига мос жойлашишда қийналаётган ва тегишли ижтимоий ҳимояга-кўмакка муҳтож ёшларни бандлик дастури асосида муқим иш жойлари билан таъминлаш сиёсатига, таъбир жоиз бўлса, сиёсий мақом берди. Шунингдек, фаровонлиги пенсия ва ижтимоий нафақалар даражаси билан бевосита боғлиқ бўлган пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилаларнинг бекалари ҳамда аҳолининг бошқа ижтимоий заиф қатламлари муҳофазаси ҳам айни шу мақом доирасига киритилди. Мақсад — ҳар бир оила ва бутун халқ фаровонлигини таъминлаш учун умуммиллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш бўлди.

Ўзи жаҳон тажрибасига кўра ҳам қишлоқларда мўъжазгина корхоналар, цехлар барпо этиш, кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш — бандлик муаммосини ҳал этишнинг энг самарали йўлидир. Шунинг учун шахсан Президентимиз ташаббуси билан бизда ҳам Истиқлол бошиданоқ кичик ва хусусий бизнесни шакллантириш, кичик корхоналар, цехлар ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш масалаларига катта эътибор берилди. Қатор қонунчилик ҳужжатлари, Юртбошимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари асосида уларнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг **«Қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи»** асарида (Президент асарлари тўплами, 3-том, 119-бет, Тошкент, 1996 йил) даъват билан айтдиларки: **«Ҳокимликлар, вазирликлар, катта-катта ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари шуни тушуниб етиши керакки, одамларни қишлоқдан завод ва фабрикаларга эмас, балки саноатни одамлар ҳузурига — қишлоққа олиб бориш керак! Бунда 20-60 миллион доллар турадиган гигант фабрикалар эмас, балки ихчам, керак бўлганда ишлаб чиқарадиган маҳсулоти турини тез ўзгартира оладиган корхоналар қуришга аҳамият бериш лозим».**

РАҚАМЛАР:

♦ ***2004 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра рўйхатга олинган кичик корхона ва микрофирмалар сони деярли 250 мингта эди. 2005 йилнинг биринчи ярмида давлат рўйхатидан ўтган бундай корхоналар 305 мингтага етди;***

♦ ***2007 йилнинг бошида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг сони қарийб 350 мингтага борди ёки 2000 йилдагига нисбатан 2,3 мартага кўпайди;***

♦ ***Натижада 2006 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қўшимча равишда 290 минг янги иш ўринлари яратилди. Бу эса мамлакатимизда очилган янги иш жойларининг 50 фоиздан ортиғини ташкил этади.***

♦ ***Республика Вазирлар Маҳкамаси мажлиси (шу йил, 18 июль)да 2007 йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган сарҳисобга кўра ўтган олти ой ичида 314,8 минг, жумладан, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида 75 мингдан ортиқ киши янги иш жойлари билан таъминланди. Ногиронлар учун эса 2049 та иш ўринлари яратилди.***

♦ ***Бундай натижаларга шу давр ичида ишга туширилган 154 та янги йирик ва кичик саноат ишлаб чиқариши, шу жумладан, 30 та енгил ҳамда тўқимачилик саноати объекти, 102 километр узунликдаги электузатиш линиялари, сентябрь ойига қадар ҳаракатга келтириладиган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли сингари кўплаб улкан қурилишлар кўлами катта имкон берди.***

Бу рақамларни атай келтирадиганимиздан мақсад — мустақиллик йилларига келиб, қишлоқда кичик бизнес корхоналари амалга оширган ва ошираётган вазифалар моҳиятини тушуниб олишдир. Уларнинг бири — янги иш ўринлари яратиш ва иккинчиси — бандликни таъминлаш бўлди.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

(Давоми бор)

Ёш оилалар — ижтимоий муҳофазада

ЭЪТИБОР

ВА ЭЪЗОЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бугунги кунда барча ташкилот ва муассасаларда, корхоналарда, маҳаллаларда ўз ижросини топмоқда. Чунончи, Давлат солиқ инспекцияларида ҳам бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда.



Бу ҳақда **Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туман Давлат солиқ инспекциясининг «Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб бориш шўъбаси» бошлиғи, инспекция касаба уюшма қўмитаси раиси Абдурасул Тожибоев** жумладан шундай деди;

— Ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Президентимиз Фармони матбуотда эълон қилиниши билан май ойининг иккинчи ярмида шахсий таркибда йиғилиш ўтказдик ва унинг ижроси бўйича 2007-2008 йиллар давомида амалга ошириладиган ишлар юзасидан Дастур ишлаб чиқдик. Уни Республика Давлат солиқ қўмитасининг солиқ хизмати органлари учун белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар режаси асосида тайёрладик.

— Маъмурият ва касаба уюшма томонидан қандай амалий ишлар кўзда тутилди?

— Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 12 майдаги 140-сонли буйруғининг 2.5 «В» бандига асосан жорий йилнинг 5 ойи давомида 5 нафар биринчи марта уйланаётган ва турмуш қураётган ходимларга маъмурият ҳамда касаба уюшмамиз ҳамкорлигида жами 847449 сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ёш оилаларга концерт ва турли кўнгилочар тадбирларга боришлари ва ҳордиқ чиқаришлари учун бепул чипталар бериб келаяпмиз. Қизини турмушга узатиб, ўғил уйлантириб, хонадонларида ёш оилалар вужудга келтираётган ходимларимизга ҳам муносиб даражада кўмак уюштираяпмиз...

— Инспекциянинг бевосита ижтимоий муҳофаза борасида қилаётган ишлари ҳақида ҳам...

— Ижтимоий масалалар борасида — биринчи галда соғлиқни сақлаш устувор мақсад қилиб олинган. Ходимларнинг барчасини оила аъзолари билан биргаликда Давлат солиқ қўмитасининг даволаш-соғломлаштириш мажмуасида тиббий кўрикдан ўтказдик. Эҳтиёжмандлари мажмуадаги малакали тиббиёт ходимлари томонидан даволанмоқдалар. Улар физиотерапевтик, иссиқлик ва буғ билан даволаш, уқалаш, LFK, игна билан даволаш муолажаларидан фойдаланишаяпти. Мажмуадаги сузиш ҳавзаси ҳам улар ихтиёрида.

Айниқса, ёш оилаларни маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёшларда ўзлари қурган янги оила учун ғурур ва масъулият ҳиссини ошириш, ота-онаси ва кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш каби туйғуларни шакллантириш борасида ҳам (намунали ёш оилаларни жалб этган ҳолда) тез-тез амалий учрашувлар ўтказилаяпти. Июнь ойининг бошида ўтказилган шундай тадбирда бир қатор ибратли ёш оилаларга совға-саломлар улашдик...

Шаҳзода МАМАЖОНОВА
журналист.

✧✧✧

Абдивоси ҲАЙДАРОВ
олган сурат.

МАРКАЗИЙ ЕВРОПА АҲОЛИСИ

ИССИҚДАН ЖАБР КЎРМОҚДА

Бир ҳафтадирки, Марказий Европада жазирама авжга минмоқда. Словакияда метеокузатув тарихида илк бор энг юқори ҳарорат қайд этилди: сояда 40,1 даража иссиқ. Австрияда жума куни иссиққа бардош беролмай тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, Руминияда эса 12 киши. У ерда ҳарорат 40-45 даража ўртасида сақланиб турибди. ИТАР-ТАСС хабар беришича, бундай жазирама яна 10 кун давом этиши мумкин экан.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги болаларга, қариялларга ва юрак-қон-томир касали билан оғриган кишиларга қуёш тиғида юрмасликни тавсия этди. Ҳозир Руминияда инфаркт ва инсультга чалиниш кўпайганлигини Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлади. Ўрмонларда ёнғинлар таҳдиди кучайганлиги боис ўт ўчирувчилар жанговар шай ҳолатга келтирилган. «Тез тиббий ёрдам» хизматида фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Сайёр стационар пунктлари кечаю-кундуз аҳолига ёрдам қўлини чўзмоқда. Ҳавони совутиш тизими билан жиҳозланмаган корхона-ю ташкилотларда ярим иш куни жорий этилди. 7 тоннадан ортиқ юк кўтарувчи автомобилларнинг асфальт йўлларда ҳаракатланиши тақиқланди. Сабаб: асфальт юмшаб қолгани боис бўртмалар ҳосил бўлмоқда.

Руминия Қишлоқ хўжалиги вазирлиги берган маълумотларга кўра, бу йил об-ҳавонинг иссиқ ва қуруқ келгани сабабли мамлакат 500 миллион лей (160 миллион доллар) миқдорида зарар кўрмоқда. Кунгабоқар ва маккахўжори экин майдонларининг деярли ярми қуриб қолди.

Чехия ва Молдовада ҳам яқин тарихда кузатилмаган об-ҳаво сақланиб турибди: ҳарорат 40 даражадан ошмоқда. Украинада эса одамлар ҳарорат пасайишини сабрсизлик билан кутишмоқда. Экинзорлар қуриб қолмоқда, йўлларда автомобиллар, идораларда эса компьютерлар иссиқдан ишдан чиқмоқда. Тернополда эрталабки соат 10дан кейин оғир юк машиналари у ёқда турсин, ҳатто троллейбуслар ҳам ҳаракатдан тўхтатиляпти. Негаки, асфальт йўллар «эриб» кетаётганлиги боис, ишдан чиқаётир.

Табиатнинг инжиқлигини қарангки, Буюк Британия ва Швейцарияда аксинча ҳолат кузатилмоқда. Метеорологларнинг айтишларича, кейинги 90 йилда бундай об-ҳаво қайд этилмаган экан.

Ҳафта охирида ёққан кучли жала Британияда ҳаётни издан чиқарди. «Heathrow» аэропортида 141 та парвоз бекор қилинди, метро йўллари сувга ғарқ бўлгани боис 25 та метро станциясида қатнов тўхтатилган. Англия ва Уэльсда сув тошқинлари юз берди. Кўплаб телекомпаниялар сунъий йўлдошлар билан алоқаси узилгани сабабли эфир вақтларини тўхтатишга мажбур бўлдилар. Минглаб одамлар бошпанасиз қолди. Швейцария аҳолиси эса 35 миллион долларлик зарар кўрган.

КОСОВО БЎЙИЧА РЕЗОЛЮЦИЯ

БМТДА ОВОЗГА ҚЎЙИЛМАЙДИ

Маълумки, Косовога мустақиллик бериш масаласи бўйича БМТ Бош котибининг махсус вакили Марти Ахтисаари режаси асосида АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳаммуаллифлиги остида тайёрланган резолюция ўтган ҳафта ўрталарида БМТ Хавфсизлик Кенгашига овозга қўйиш учун тақдим этилган эди. Резолюцияда Сербия позицияси қандайлигидан қатъи назар Косовога мустақиллик берилиши назарда тутилгани боис, Россия уни қўллаб-қувватламаслигини билдириб, Белград ва Приштина келишувидан сўнг ушбу масалани ёқлашини, икки томон келишувисиз бир томон манфаатларини ўйлаб, мустақиллик бериш Болқонда вазият кескинлашувига олиб келишини уқтирганди.

Шанба куни эса резолюция муаллифлари уни БМТ Хавфсизлик Кенгашидан қайтиб олганлигини маълум қилдилар. «Россия бу борада ўз позициясини ўзгартирмас экан, БМТ Хавфсизлик Кенгашида овозга қўйиш бефойда» деди Буюк Британиянинг БМТдаги вакили Эмир Жоунс Пэрри. Эндиликда ушбу масала бўйича Белград ва Приштина ўртасида музокаралар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилади.

Эслатиб ўтамиз: Косово Сербия таркибида бўлгани билан 1999 йилдан бери БМТ бошқаруви остида ҳаёт кечирмоқда.

ЧЕХЛАРНИНГ УЧДАН ИККИ ҚИСМИ

РАДАРЛАР ЖОЙЛАШТИРИЛИШИГА ҚАРШИ

«CVVM» тадқиқот маркази яқинда 15 ёшдан юқори бўлган 1013 нафар чехиялик ўртасида ўтказган сўров натижалари шундан далолат бермоқдаки, чехларнинг учдан икки қисми, яъни 65 фоизи Чехия ҳудудига Американинг ракетага қарши мудофаа тизими (РҚМТ) радарлари ўрнатилишига қарши фикр билдирган. Атиги 28 фоиз иштирокчигина буни ёқлашини маълум қилган. Бу май ойида ўтказилган сўровдаги кўрсаткичдан 2 фоиз камдир.

Сўров қатнашчиларининг 74 фоиздан ортиғи ушбу масала бўйича умумхалқ референдуми ўтказилиши шарт, деб ҳисоблайди. 20 фоизи эса бу масалани сиёсатдонлар ҳал этиши лозим, деб билади.



Маълумки, шу ой бошида Чехия ҳукумати Прагадан 90 километр жануби-ғарбда жойлашган Мишов аҳоли пунктига Американинг РҚМТ радарини жойлаштиришга қарор қилди. Бироқ, уни жойлаштириш масаласи бўйича якуний қарорни мамлакат парламенти чиқариши лозим. Парламентдаги муҳолифат тарафдорлари эса умумхалқ референдуми ўтказилишини талаб қилишмоқда. Аммо ҳукумат референдумни ўтказмоқчи эмас.

Тахминларга қараганда, РҚМТга 200 киши хизмат кўрсатади, шундан 120 нафари бевосита америкалик ҳарбийлардир.

Манбаларга қараганда, Маршал ороллари-даги АҚШ РҚМТ радари Чехияга кўчириб келинади. Уни олиб келиш ва ўрнатиш ҳамда модернизация қилиш учун 260 миллион доллар ҳаржланади.

АҚШ маъмурияти шу йил январда РҚМТ радарини Чехияга ўрнатиш масаласи бўйича Чехия ҳукуматига мурожаат этган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№ Лот	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи	Қурилиш муддати
	ЛОТ-1-5:		
Лот-1.	Самарқанд шаҳри, Садриддин Айний кўчасидаги 59-сонли кўзи ожиз болалар мактаб-интернатини капитал таъмирлаш	159 549 273 сўм	60 кун
Лот-2.	Самарқанд шаҳри, Жомий кўчасидаги 60-сонли мактаб-интернатни капитал таъмирлаш	59 961 122 сўм	120 кун
Лот-3.	Самарқанд шаҳри, Термизий кўчасидаги 62-сонли махсус мактаб-интернатни капитал таъмирлаш	39 996 300 сўм	60 кун
Лот-4.	Самарқанд вилояти, Оқдарё туманидаги 63-сонли махсус мактаб-интернатни капитал таъмирлаш	59 990 988 сўм	60 кун
Лот-5.	Самарқанд вилояти, Пайариқ туманидаги 54-сонли аҳлан заиф болалар махсус мактаб-интернатини капитал таъмирлаш	47 948 233 сўм	60 кун

Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: **Самарқанд шаҳри, Челак кўчаси, 50-уй. Телефон: (8366) 233-60-40.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга эга бўлишлари ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида, соат 16.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Қадр

ҚОРАТОШЛИК ПОЛВОННИНГ ШУҲРАТИ

ТОШКЕНТЛИК АФСОНАВИЙ АҲМАД ПОЛВОН ВА УНИНГ ҲАЁТИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ, ЖАСОРАТЛАРИ ҲАҚИДА

Ҳар бир миллатнинг суянган тоғлари, номини кўпдан-кўп авлодлар фахру ифтихор билан эслайдиган қаҳрамонлари бўлади. Уларнинг номи ҳар вақт халқ тилида юради, қилган ишлари одамларнинг дилида, юрагида яшайди. Ватан фарзандлари шундай қаҳрамонларга ўхшагиси келади, улар каби эл-юрт қалбидан ўчмас жой олишни орзу қилади. Бора-бора бундай одамлар бутун бир халқнинг жасурлиги, мардлигининг тимсоли, иродасини ўзида ифода этган миллат фидойилари даражасига кўтарилади.

Истиқлол бизга мана шундай қаҳрамон аждодларимиз хотирасини қайтариб берди. Фахрланиш туйғуси билан яшайдиган бўлдик. Минглаб қораланган, тарихнинг хира саҳифаларида қолиб кетган боболаримизнинг муборак номлари тикланди. Юртимизга файз бағишлаб турган музейлу театрлар, хиёбонлар, маҳалла ва кўчалар бугун уларнинг номлари билан аталадиган бўлди. Йилдан-йилга яна қанчалаб қаҳрамонларимизнинг ибратли умр йўлларини халқимиз ўрганиб бормоқда. Ҳаётлигида ўзбек курашини кўп халқлар орасига ёйган, мардона бел олишлари билан не-не полвонларни зир титратган паҳлавон Аҳмад Топилбой ўғли ана шундай сиймолардан бири эди.

Билмаганлар учун маълумот: у 1867 йили Тошкентда Чақарнинг Қоратош маҳалласида ўзига тўқ оилада туғилади. Эр йигитнинг ризқи одамлар орасида эканлигини жуда эрта тушунди. Асл бахтни пешона тери билан заҳмат чекиб меҳнат қилишда, деб билди. Отасининг қаршилигига қарамай, бир талай тенгқурлари қатори ғалла бозорига тарозибон бўлиб ишга кирди. Кейинчалик юк ташувчилик қилди.

Қийин меҳнатларда тобланган Аҳмад ўн беш ёшга кирганида ўзидан бир неча ёш катта акалари Юсуф ва Содиққа нисбатан анча бақувват ва абжир эди. Шу билан бирга у кўнгли очик, танти йигит бўлиб, дўстлари орасида меҳрлилиги билан ҳурмат қозонганди. Аҳмад йигирмага кирмасдан таниқли курашчига айланиб, одамларнинг олқишига сазовор бўла бошлайди.

Ўша вақтларда кураш мусобақалари асосан Хадра майдонидаги қаландархонада ўтказилган. Бешёғочлик Эгам паҳлавон энг донгдор курашчилардан бири ҳисобланган. Бир куни мусобақада у Аҳмаднинг акаси Юсуфни енгади. Бундан хабар топиб, эртасигаёқ Эгам полвонга талабгор бўлиб бориб, унинг елкасини ерга теккизади.

Шундан сўнг полвоннинг донги чор-атрофга ёйила бошлайди. У ҳақда турли хил шов-шувлар кўпаяди. Кураги ерга тегмаган ёш курашчига талабгор бўлиб бошқалар кела бошлайди. Елкаси кенг, билаклари бақувват Аҳмад полвон ҳақидаги овозалар одамлар тилига тушди. Унинг ўсиб турган дарахтни ердан илдизи билан қўпориб олгани, учта от қўшилган извошни орқасидан даст кўтариб олгани ва извошчи ҳар қанча уринмасин, отлар жойидан жилолмай қолганлиги тўғрисидаги гап-сўзлар оғиздан-оғизга ўтиб, афсона бўлиб кетади.

1895 йил 20 июнда ўша вақтда Туркистон генераль-губернатори таклифи билан рус подшосининг ишонган курашчиси, машҳур Риппел полвон Тошкентга келади. У бутун Русия ҳудудида энг донгдор баҳодир ҳисобланар, бу полвон билан кураш тушишга ҳеч кимнинг юраги бетламасди. Ўша кураш гувоҳларининг сўзларига кўра, курашдан олдин даъвогарлар ўртасида тош кўтариш мусобақаси бўлади. Аввалига рус паҳлавони саккиз пуддлик тошларни кўтариб, ҳаммани қойил қолдиради. Аҳмад полвон эса бу тошларни «аранг кўтаради». Одамлар орасида ваҳимали шивир-шивирлар бошланади. Шундан сўнг, Аҳмад полвон Риппелдан бир қанор қоп буғдойни аравага ортишни сўрайди. Рус полвони ҳар қанча уринмасин, қопни жойидан кўзғата олмайди. Оқибатда Аҳмад уни ўзи аравага ортади.

Ана шу номдор полвонларнинг бел олишини, табиийки кўпчилик сабрсизлик билан кутарди. Кураш бошланади. Аҳмад полвон ўзидан икки баравар баҳайбат кўринган «рус гиганти»ни белбоғидан даст кўтариб, айлантириб шундай забр билан урадики, атрофга чанг-тўзон кўтарилади...

Орадан бир йил ўтиб, Россиядан яна бир Крутис исмли паҳлавон келиб, Аҳмад полвондан енгилиб кетгани ҳақида ҳам ўша вақтдаги манбаларда ёзиб қолдирилган. Ундан енгилган номдор полвонлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Улар орасида ўзбек полвонларидан тортиб, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, тожик, туркман, ҳинд алпларию, рус, украин, озарбойжон, грузин баҳодирларигача бор.

— Илгари Эшонгузар маҳалласида яшар эдик, — дейди Аҳмад полвоннинг ўғли, 84 ёшли Маҳкам Аҳмедов. — Ўйимизга жуда кўп полвонлар келишарди. Отам улар билан майдонда рақиб бўлса-да, ҳаётда яқин дўст эди. Шахсан ўзим Хўжаполвон билан қандай олишганини кўрганман. Курашдан кейин у уйимизда меҳмон бўлиб, отамиз билан қиёматли дўст тутиниб кетганди. У киши ҳаммани ўзига оғайнидек биларди. Кураш тушиб бирор қўй-эчки, молми ёки каттароқ совғами, ютиб келса, ундан дарров маҳалла-қўйга илинар, бирор хайрли ишга сарфларди. Ҳар нарсада қўни-қўшнининг ҳақи бўлади, деган гапни кўп такрорлардилар. «Муҳтожга бирни берсанг, Худо сенга мингни беради», дегувчи эди.

— Мустақил бўлмагунимизча отам ҳақида ҳар қанча гапирмайлик фойдаси бўлмади, ҳеч ким эътибор бермади, — дея кўзига ёш олиб сўзида давом этади Маҳкам ота. — Шукрки, мустақиллик туфайли Президентимиз спортга, айниқса курашга катта эътибор бердилар. Ўзбек кураши жаҳонга чиқди. Энди отамиз ҳақида, уларнинг кўрсатган жасоратлари тўғрисида ҳар қанча гапирсак бўлади. Бугун ҳам отамнинг номини эслаб, суриштириб келадиган одамлар бор. Шунинг учун, мана ўн йилдирки, мен у зотни кўрган-билганлардан отам ҳақидаги эсдаликларини, хотираларини аудиотасмага ёзиб келмоқдаман...

Отахон шундай дея музей экспонатлари сингари авайлаб сақланган ихчам аудиомагнитафон ва ўнга яқин кассеталарни олиб, олдимга қўяди. Кўз ўнгимда тасмаларга муҳрланган хотиралар тилга киради, Аҳмад полвоннинг сиймоси гавдалана бошлайди. Яхшиларни ёдга олиш, хотирлашнинг ўзи бир ҳузурли, саодатли.

Афсуски, ҳозир аудиотасма қаҳрамонларининг аксарияти оламдан ўтган, тириклари ҳам кексайиб қолган. Уларнинг орасида 82 ёшли кекса педагог Абдуваҳоб Акбаровнинг қуйидаги сўзларини бефарқ тинглай олмайсиз:

— Мен Аҳмад полвонни шахсан кўрмаган бўлсам-да, унинг мардлиги, жасорати, одамийлиги тўғрисида отамдан кўп эшитганман. Айтишларича, Хадра майдонидаги гузарда кўплаб спорт ўйинлари, кураш мусобақалари ўтказилган. Бир куни у ерга водийлик забардаст паҳлавон — Хўжаполвон келади. У Аҳмад полвонга даъвогар бўлиб, уни майдонга чорлайди. Қизиқиш кучлилигидан бу курашга қўшни ўлкалардан ҳам ишқибозлар келган экан. Кураш ниҳоятда шиддатли бўлиб, ниҳоят Хўжаполвон енгилади. Бу кураш тўғрисида Камай Тошкандий ғазал битган. Уни отам кўп йиллар такрорлаб юрар эди...

Аҳмад паҳлавоннинг бундай ғалабалари, ибратли фазилатлари, ватанпарварлиги тўғрисида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Уни яқиндан билганлар полвоннинг номини, қилган ишларини бугунги ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш жуда катта савобли иш бўлади, — деб ҳисоблайди.

Жасур ҲУСАНОВ.

Она-табиат мўъжизалари

ШИФОБАХШ ҲОВУЗ



Денов туманининг тоғли Ўшор қишлоғи денгиз сатҳидан 1500-1800 метр баландда жойлашган. Маҳаллий аҳолиси асосан чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Табиати мусаффо, сўлим ғўшали худуд доимо кишиларни ўзига мафтун этиб келган. Бу ердаги адирлар, қоя, тепаликлар, чашмалар ҳақида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўнлаб ривоятлар ҳам бор.

— Қўлсуқар, Қиличбулоқ, Чашмаосмон булоқлари, Гиртепа, Қўрғон, Духтарон, Қирқкиз, Равот Али, Сартахта майдонлари, Кофирсўйди тепаликлари билан боғлиқ афсона-ривоятлар талайгина, — дейди 62-умумий ўрта таълим мактаби директори Абдуғаффор Очилов. — Ана шундай чашмалардан бири Туягумдир. Хўжабаркўҳ тоғи ёнбағрида жойлашган мазкур ҳовузнинг суви ниҳоятда шифобахш. Чуқурлиги 4-5, диаметри 45-50 метрча келади.

— Ривоят қилишларича, Ҳазрати Али ва ул зот саҳобаларининг тулпорлари туёқлари остидан булоқлар кўз оча бошлаган, — дейди шоир Искандар Музаффарзода. — Олти жойда қайнаб чиққан чашма туфайли ҳовуз пайдо бўлган. Йиллар ўтиб, бир бойнинг қизи туя суғориш мақсадида шу ерга келади. Қандайдир синоат билан туяси билан ҳовуз чашмаларидан бирига чўкиб кетади. Ҳовуз эса «Туягум» номи билан машҳур бўлиб қолган.

Ҳовуздаги балиқларнинг йириклари 18-20 килогача тош босади. Бу балиқлар истеъмол қилинмайди. Мустақиллик туфайли бу ғўша ҳам қайта чирой очди. Айни кунларда унинг атрофи гулзорга айланган. Обод масканга ҳар куни кўплаб зиёратчилар келади. Туягум балиқларини томоша қилсангиз, баҳри-дилингиз очилади. Асаб тизими, юрак-қон-томир, сариқ касалликлари билан оғриганларга ҳам унинг шифобахш хусусияти беқиёс экан. Бу ҳам она-табиатимизнинг ўзига хос мўъжизаси.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

АҲОЛИ ИШОНЧИ ОРТМОҚДА



Ёзёвон туманида ўн бешта қишлоқ врачлик пункти аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Замонавий тиббий асбоб-ускуналарга эга ушбу масканларда она ва бола саломатлигини муҳофазалашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Айниқса, «Тошҳовуз» қишлоқ врачлик пункти аҳолига тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш учун астойдил изланмоқда. Жамоанинг малакали шифокор ва ҳамширалари эса ўз касбининг фидойиларидир. Маҳаллаларда олиб борилаётган соғломлаштириш тадбирлари, оила шифокорлари ва ҳамшираларнинг саъй-ҳаракати билан турли хил юқумли касалликларнинг олди олиниб, аҳолининг КВПга ишончи ортмоқда.

Суратда: «Тошҳовуз» қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Диёрахон Мамажонова бемор Насиба Каттабековага тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Интер-спорт

АРГЕНТИНА ЁШЛАРИ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Канадада 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати якунланди. Финал учрашуви Аргентина ва Чехия терма жамоалари ёшлари ўртасида бўлиб ўтди. Учрашувнинг биринчи қисмида томонлар қандай бўлмасин биринчи бўлиб ҳисобни очишга интилдилар. Қизиғи шундаки, йўл қўйилган кўполликлар учун испаниялик ҳакам Альберто Ундиано Мальенка олти марта сариқ карточка кўрсатишга мажбур бўлди. Ўйинда эса ташаббус аргентиналиклар томонида экани кўзга ташланиб турди. Аввал чехиялик Мартин Фенин тўп урган бўлса, орадан бир дақиқа ўтар-ўтмай Серхио Агуэро ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Учрашувнинг 86-дақиқасида Мауро Зарате яна чехлар дарвозасини аниқ нишонга олиб, ғалабани таъминлади. Шундай қилиб, Аргентина футболчилари чемпионатлар тарихида олтинчи марта ғалаба завқидан баҳраманд бўлишди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан 2006 йил 11 июлда 12087 рақами билан рўйхатга олинган ва Мадумарова Фотимахон Ғаффоровна номига берилган В №277694 рақамли бакалавр дипломи иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими **Неъматжон АБДУРАҲМОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Футбол

ОМАД ҚУЛИБ БОҚМАДИ...

XIV Осиё чемпионати ярим финалчилари номи маълум бўлди. Мамлакатимиз футбол ишқибозлари улар орасида Ўзбекистон миллий терма жамоасини кўришни жуда-жуда хоҳлашаётган эди. Бироқ ҳамюртларимиз чорак финалда Саудия Арабистони вакилларига 1:2 ҳисобида имкониятни бой берди.

Гарчи, ушбу учрашувнинг дастлабки дақиқаларида саудияликлар ҳисобни очишган бўлса-да, шу куни футболчиларимиз фақат ғалаба иштиёқида тўп суришди. Ўйиннинг асосий қисмида ташаббусни ўз қўлларига олган Рауф Инилеев шогирдлари кўпгина вазиятларда тўп киритиш учун қулай имкониятларга эга бўлдилар. Аммо ҳадеганда ҳамюртларимизга омад кулиб боқмади. Биринчи бўлимнинг ўрталарида моҳир ҳужумчимиз Максим Шацких жавоб тўпини киритганди. Лекин қанот ҳаками футболчимизни ўйиндан ташқари ҳолатда деб кўрсатди.

Иккинчи бўлимда ҳам вакилларимиз ҳужумкорликни бир зум бўлса-да, сусайтирмадилар. Максим Шацких, Сервер Жепаров, Азиз Ибрагимов, Александр Гейнрихларнинг фаолликлари ҳар лаҳзада сезилиб турди. Навбат голга келганида эса гоҳ рақиб ҳимоячилари аниқроқ ҳаракат қилишди, гоҳида дарвоза тўсини ва устуни тўп йўлига тўғаноқ бўлди. Аксинча ҳимоячиларимиз хатосидан унумли фойдаланган саудияликлар Нестеров кўриқлаётган дарвозага иккинчи тўпни киритишди — 0:2.

Учрашувнинг сўнгги дақиқаларида бош мураббий Рауф Инилеевнинг таркибда қилган ўзгаришлари ўз самарасини берди. Азиз Ҳайдаров ўрнига майдонга тушган Павел Соломин ҳисобдаги фарқни қисқартирди — 1:2. Аммо якунда бу терма жамоамизнинг кейинги босқичга чиқиши учун камлик қилди.

Мазкур ўйинда вакилларимиз мағлубиятга учрашган бўлса-да, ўзларининг мазмунли ўйинлари билан мухлислар ва мутахассисларда илиқ таассурот қолдирдилар. Ўйлаймизки, XIV Осиё чемпионатида орттирилган тажриба Ўзбекистон терма жамоаси учун 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида жуда асқотади.

Чорак финалнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Япония — Австралия — 1:1 (пенальтилар бўйича 4:3), Вьетнам — Ироқ — 0:2, Эрон — Жанубий Корея — 0:0 (2:4).

Энди эртага бўладиган ярим финал баҳсларида Япония — Саудия Арабистони, Ироқ — Жанубий Корея терма жамоалари ўзаро куч синашадилар.

Эркин ХОЛБОБО.

ПУЛ ТЎЛАБ, ТИЛ ЎРГАНАЁТГАНЛАР

УЧУН АЙРИМ ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Битта тилни билган — бир одам, икки тилни билган икки одам деган нақлни эшитганмисиз? Дарҳақиқат, чет тилларни билиш — шахснинг ўз билимларини ошириш имкониятларини кенгайтиради. Бугун умумий таълим мактаблари, коллежлар, олий ўқув юртларида анъанавий рус, инглиз, француз, немис тилларидан ташқари бошқа кўплаб хорижий тиллар ҳам ўргатилмоқда. Ёшлар орасида тўрт-беш тилда равон гапира оладиган йигит-қизлар ҳам оз эмас.

Одамларда нимагадир эҳтиёж бор экан, ишбилармонлар албатта бу талабга яраша ўз таклифларини берадилар. Бугунги кунда турли ёшдаги кишиларда тил ўрганиш зарурати туғилди. Бунга мамлакатимизда чет эл инвестицияси иштирокида қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши, фуқароларимизнинг чет элда ўқиш, малака ошириш, ишлаш ёки шунчаки саёҳат қилиш мақсадлари сабаб бўлаяпти. Саёҳатга чиққанда, ҳеч бўлмаса ресторанда таомга буюртма беришни билиш зарур қилмаса керак, шундай эмасми? Хуллас, пойтахтимиздаги пуллик тил ўрганиш марказлари турли ёшдаги мижозлар билан гавжум.

Тил ўрганиш марказига ташрифим бежиз эмас — ўқлимнинг кундалик муомалада, компьютер ва интернет билан ишлашида рус ва инглиз тилидан билимлари етарли эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди ва унинг курсга қатнаш қарорига келишдан ўзга иложи қолмади.

Шу тариқа она-бола курс танлашга киришдик. Бунинг нима қийин жойи бор, исталган газетани қўлингизга олинг, тил ўргатиш курслари ҳақидаги эълонлар тиқилиб ётибди, дейишингиз мумкин. Тўғри, уларнинг айримлари ҳатто бир неча ой ичида сизни бирон хорижий тил мутахассисига айлантириб юборишга ваъда беришади. Шундай эълонлардан бири бўйича шаҳар марказида жойлашган курсга бордик. Ҳафтасига икки соат машғулот учун ойига 25 минг сўм тўлаш керак экан. Қабулхонадаги қиз дарров бизни ўқитувчилардан бирига йўналтирди. Ўқитувчи аёл билан машғулот бўладиган вақт борасида бир тўхтамга кела олмадик — у яна битта курсда ва коллежда ишлашини, вақти зиқлигини, кечки соат бешдан кейингина машғулот белгилашини айтди. Бу таклифи бизга тўғри келмади. Бу орада яна бир марказга кириб чиқдик. Торгина хонада ўтирган аёл қўлимизга буклет тутқазиб, тилчи муаллимлар ўн кун ичида хориждан келишини айтиб кутишимизни уқтирди. Қайда, ўн кундаям, йигирма кундаям марказ очилмади. Кутган вақтимизга ачиниб, бошқа бир даргоҳ остонасидан ҳатладик. «Effective Study» деб номланган ўқув маскани экан.

— Ўғлингизнинг билим даражасини аниқлаймиз ва дастлабки текин машғулотни ўтказамиз, — дейишди курс ходимлари.

Илк машғулотдан ўғлим қўлида тарқатма материал, уй вазифаси ва шу ерда тил ўрганиш иштиёқи билан чикди.

— Дастуримизнинг ўзига хослиги — тарқатма материаллар, машғулотларнинг компьютер варианти, ўқувчининг ўз устида мустақил ишлаш имкониятининг мавжудлигидир, — дейди дастур муаллифи Улуғбек Ҳасанов. — Бухоро шаҳрида очилган ўқув курсларимиз ҳозир Тошкент ва Навоий шаҳарларида ҳам ўз тармоқларига эга. Шунинг ўзиёқ биз ишлаб чиққан дастурлар ўрганувчиларга маъқул келганлигини кўрсатиб турибди. Ходимларни ишга қабул қилишда уларнинг педагогик маҳорат ва стажга эга эканлиги муҳим шартлардан биридир. Улар ўзимизда ва чет элларда малака оширишган. Иш жараёни эса руҳшунос, педагог ва ҳуқуқшуносларидан иборат ҳайъат томонидан мунтазам назорат қилинади.

Севара ЗУПАРХЎЖАЕВА,

Давлат тест маркази узлуксиз таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш ва мониторинги бўлими бошлиғи:

— Шу кунгача юздан ошиқ нодавлат таълим муассасасига лицензия берилган. Давлат тест маркази ўқув муассасаларининг ҳужжатларини ўрганиб, муносиб кўрилсагина Давлат комиссиясига лицензия олиш учун тақдим этади. Ўрганиш жараёнида ўқув концепциясининг талаб даражасидалиги, жумладан, давлат таълим дастурларига мос келиши, ўқув дастурлари ва ўқув режалари, моддий базасининг аҳволи, педагог кадрлар билан таъминланишига алоҳида эътибор берамиз. Кўйилган талабларга жавоб бермаслиги сабабли лицензия олиш учун қилинган 50 мурожаат рад этилган, уларга кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш топширилган. Демак, нодавлат таълим муассасаси хизматидан фойдаланишдан олдин бу масканнинг лицензияси борлигига ишонч ҳосил қилсангиз, фойдадан холи бўлмайди.

Хуллас, нодавлат таълим масканларининг бир нечтасида бўлиб, тил ўргатадими, компьютерми, олий ўқув юртига ўқишга киришга тайёрлайдими, бундай курслар хизматидан фойдаланиш истагидагиларга мутахассислар қуйидаги маслаҳатларни тавсия этишди: Ўқув хоналарининг гавжумлигига эътибор беринг, бу ерда таълим олаётганлар билан машғулотларнинг қандай ўтиши ҳақида суҳбатлашишдан эринманг. Ўқув хоналарида компьютер, аудио ва видео воситалари бўлса, демак, бу курс бақувват, иш тажрибасига ва мижозларга эга.

Ўқув курси билан дастлаб бир ойга шартнома қилинг. Беш-олти ой, бир йиллик шартномалар учун чегирмаларга махлиё бўлманг. Бу ердаги ўқув дастури ёқмаса, тўлаган пулингизни қайтиб олишдек бошоғриқсиз курсни ташлаб кетиш имкони бўлади. Энг муҳими, вақтингиз бекорга кетмайди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi:
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8578 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 23.55
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda